

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.09.2018.V.76.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКИЕВА МУАЗЗАМ ШАРИФЖОНОВА**

**АЙРИМ ДИТЕРПЕНОИД АЛКАЛОИДЛАРНИНГ (АТИЗИН,  
ДИГИДРОАТИЗИН, ГЕТЕРАТИЗИН, 6–О–БЕНЗОИЛГЕТЕРАТИЗИН)  
ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological  
sciences**

**Бакиева Муаззам ШАРИФЖОНОВНА**

Айрим дитерпеноид алкалоидларнинг (атизин, дигидроатизин, гетератизин, 6-О-бензоилгетератизин) вазорелаксант таъсирини тавсифлаш.....3

**Бакиева Муаззам ШАРИФЖОНОВНА**

Характеристика вазорелаксантное действие некоторых дитерпеноидных алкалоидов (атизина, дигидроатизина, гетератизина, 6-О-бензоилгетератизина).....21

**Bakieva Muazzam Sharifdjanovna**

The characteristic of vasorelaxant effects of the some diterpene alkaloids (atisine, dihydroatisine, heteratisine, 6-O-benzoyl heteratisine).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.09.2018.V.76.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКИЕВА МУАЗЗАМ ШАРИФЖОНОВНА**

**АЙРИМ ДИТЕРПЕНОИД АЛКАЛОИДЛАРНИНГ (АТИЗИН,  
ДИГИДРОАТИЗИН, ГЕТЕРАТИЗИН, 6–О–БЕНЗОИЛГЕТЕРАТИЗИН)  
ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/B276 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Зайнабидинов Анвар Эркинжанович</b> биология фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саидбаева Лола Мухамедовна</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Гайибов Улуғбек Гаппаржанович</b> биология фанлари бўйича фалсафа доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.28.09.2018.B.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316–уй. Тел.: (+99869) 227–06–12; факс: (+99869) 227–07–61; E-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316–уй. Тел.: (+99869) 227–29–81.).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Э.Зайнабидинов**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.  
**Х.Э.Эргашева**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий  
котиби, биология фанлари  
бўйича фалсафа доктори  
**А.Р.Батошов**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида кардиоваскуляр тизим касалликлари долзарб тиббий–ижтимоий, иқтисодий масалаларидан бири саналади. Ушбу касалликлар орасида артериал гипертониянинг учраш частотаси юқори бўлиб, терапевтик мақсадларда ~200 дан ортиқ фармакологик препаратлардан фойдаланилади. Бирок, бу препаратларнинг 3/2 қисмини қўшимча салбий таъсири хам мавжуддир. Ўз навбатида синтетик аналогларига нисбатан токсик таъсир даражаси паст бўлган, ўсимлик хомашёси асосида яратилган импорт ўрнини босувчи фармакологик препаратларни яратиш давр талаби ҳисобланади. Айниқса, маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида самарали фармакологик препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда юрак қон-томир касалликларни олдини олиш ва даволашда таркибида табиий бирикмалар сақлаган препаратларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Кучли кардиопротектор хусусиятларини намоён қиладиган биологик фаол моддалардан бири бу дитерпеноид алкалоидлар бўлиб, уларнинг ҳозирда 400 дан ортиқ турлари фанга маълум. Ушбу алкалоидларнинг асосий потенциал манбаларидан бири *Aconitum L* ўсимлик турлари бўлиб, улардан ажратиб олинган дитерпеноид алкалоидлар юрак-қон томир касалликларини даволашда ва дори воситаларини яратишда истиқболли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин шундай бўлишига қарамай уларнинг айримларигина кардиотроп, спазмолитик ва гипотензив таъсирга эга бўлиб, тажрибаларда вазорелаксант фаоллигини намоён қилади. Бу йўналишда илмий тадқиқотларни янада изчил давом эттириш, кардиоваскуляр терапия амалиётида самарали даволаш чора–тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Республикамызда кардиоваскуляр касалликларни даволашда сезиларли ислохотлар амалга оширилмоқда жумладан, маҳаллий ўсимликларидан кўплаб дитерпеноид алкалоидлар ажратиб олинган ва улар асосида «Аллапинин», «Цитизин» ва «Галантамин» каби препаратлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларни арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиккан холда, *Aconitum L*. ўсимлик турларидан ажратиб олинган атизин, дигидроатизин, гетератицин ва б-О-бензоилгетеротицин дитерпеноид алкалоидларининг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсирини қиёсий тавсифлаш муҳим аҳамиятни касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-4947-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё миқёсида *Aconitum L.* (*Ranunculaceae*) ўсимлик турларидан дитерпеноид алкалоидларни ажратиб олиш, кимёвий идентификациялаш ва фармакологик фаоллигини ўрганиш йўналишида Benn M.H. ва Jacyno J.M. (1983), Chen D. (1984), Martinsen A. et al. (2010), Oliveira A.P. et al. (2006), Ribeiro L.A. et al. (2007), Kour G.D. et al. (2016) каби кўплаб тадқиқотларчилар иш олиб боришган. МДХ миқёсида ушбу йўналишда Nesterova Yu.V. et al. (2010), Terenteva E.O. et al. (2011), Юнусов М.С. (2014) томонидан амалга оширилган.

Республикамиз миқёсида *Aconitum L.* ўсимлик турларидан ажратиб олинган дитерпеноид алкалоидлар кимёси/фармакологияси йўналишида Салимов Б.Т., (2007), Sultankhodzhaev M.N. et al. (2002), Джахангиров Ф.Н. (2001), Валиев Н.В. ва бошқ. (2018) томонидан кенг спектрдаги илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, *Aconitum L.* ўсимлик турларидан ажратиб олинган бир қатор дитерпеноид алкалоидларнинг кимёвий структурасига боғлиқ кардиоваскуляр таъсир механизмлари Есимбетов А.Т. (2007), Хушматов Ш.С. (2010), Zaynabiddinov A.E. et al. (2015), Usmanov P.V. et al. (2017) томонидан ўрганилган. Ҳозирги вақтда *Aconitum L.* (*Ranunculaceae*) ўсимлик турларидан ажратиб олинган кўпгина дитерпеноид алкалоидлар амалий фармацевтика ва экспериментал тадқиқотларда кенг миқёсда фойдаланилади. Жумладан, республикамизда ЎЗРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари томонидан маҳаллий ўсимлик турларидан ~200 дан ортиқ дитерпеноид алкалоидлар ажратиб олинган ва кимёвий идентификацияланган. Бироқ, ушбу алкалоидларнинг кўпчилигининг фармакологик фаоллиги, жумладан вазорелаксант таъсир механизмлари тўлиқ аниқланмаган ва шу сабабли, илмий тадқиқотларни давом эттириш назарий-амалий нуқтаи назардан долзарб аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т144 «Табиий биологик фаол моддалар юрак ва силлиқ мускул

хужайралари ион каналларининг модуляция механизмларини ўрганиш» (2007-2011) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиб олинган атизин, дигидроатизин, гетератизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксанти таъсирини қиёсий тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсирида  $Ca^{2+}$ -каналларининг иштирокини аниқлаш;

атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсирида SOCC/ROCC нинг иштирокини ўрганиш;

гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсирида NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскадининг иштироки асослаш;

гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсирида  $K^{+}$ -каналларининг иштирокини аниқлаш;

атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларнинг кимёвий структурасига боғлиқ фармакологик фаоллигини тавсифлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** *Aconitum* L. (*Ranunculaceae*) ўсимлик турларидан ажратиб олинган атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидлари, каламуш аорта қон томир препаратлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** *Aconitum* L. (*Ranunculaceae*) ўсимлик турларидан ажратиб олинган атизин, гетератизин, дигидроатизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг *in vitro* шароитида механография ҳамда ингибиторли таҳлил услублари ёрдамида вазорелаксанти таъсирини қиёсий тавсифлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида стандарт биофизик-физиологик тадқиқот услублари, жумладан *in vitro* шароитда қон томир препаратининг изометрик қисқариш фаоллигини қайд қилиш (механография), ингибиторли таҳлил услубларидан ҳамда олинган натижаларни қайта ишлашда OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, Northampton, MA 01060-4401, АҚШ) математик-статистик таҳлил дастур пакетидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидлари яққол ифодаланган вазорелаксанти фаолликка эга бўлиб, бу таъсир уларнинг кимёвий структураси ва фойдаланилган концентрациясига боғлиқлиги аниқланган;

атизин, гетератизин, дигидроатизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, шунингдек SOCC/ROCC блокадаси билан боғлиқлиги очиби берилган;

атизин ва дигидроатизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсири қисман  $Na^+$ -каналлари блокадаси билан боғлиқлиги исботланган;

кимёвий структурасида С(6)-позицияда бензоил гуруҳи жойлашганлиги фарқланувчи 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, SOCC/ROCC блокадаси билан биргаликда, NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскади билан комплекс ҳолатда  $K^+$ -каналлари ( $K_V$ -канал,  $K_{ATP}$ -канал) активацияси билан боғлиқлиги очиби берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиби олинган атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидлари кимёвий структурасига ва фойдаланилган концентрациясига боғлиқ вазорелаксанти таъсири аниқланган;

*Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиби олинган 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидининг қон томир силлиқ мускул хужайраларида  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, SOCC/ROCC, NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскади ва  $K^+$ -каналлари фаоллиги коррекцияси орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамикаси модуляцияси асосида вазорелаксанти таъсири очиби берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий биофизик-физиологик тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келади. Назорат ва тажриба ўртасидаги фарқ t-Стьюдент критерийси ва ишончлилик кўрсаткичи (P) ёрдамида аниқланган. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва ҳалқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қон томир силлиқ мускул хужайраларида  $[Ca^{2+}]_{in}$  гомеостазининг доривор ўсимликлардан ажратиби олинган дитерпеноид алкалоидлар ёрдамида фармакологик регуляция механизмлари бўйича назарий билимлар диапазонини кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиби олинган атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг фойдаланилган концентрацияси ва кимёвий структурасига боғлиқ аниқланган вазорелаксанти таъсир механизмлари, гипертония терапияси мақсадида самарали вазорелаксанти фармакологик препаратлар яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиби олинган дитерпеноид алкалоидларининг фойдаланилган концентрацияси ва кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксанти таъсирини қиёсий тавсифлаш бўйича олинган натижалар асосида:

атизин, дигидроатизин алкалоидларининг  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли фаоллигини сусайтирувчи таъсири ФА-А10-Т086 рақамли «Алкоголизм ва унга боғлиқ асоратларни даволаш ва профилактика қилишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» фундаментал лойиҳасида атизин ва дигидроатизиннинг кардиоинотроп таъсирини тавсифлаш учун фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 19 июлдаги 4/1255-1738-сон маълумотномаси). Натижалар атизин ва дигидроатизиннинг релаксант таъсирида  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли блокадасининг иштирокини тавсифлаш имконини берган;

6-О-бензоилгетеротизин алкалоидининг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсири ФА-А11-Т060 рақамли «Перспектив иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратлар сифатида хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг янги модуляторларини излаш» лойиҳасида иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратларнинг хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналлари янги модуляторларининг хусусиятларини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 23 сентябрдаги 4/1255–2532-сон маълумотномаси). Натижалар 6-О-бензоилгетеротизиннинг вазорелаксант таъсирида иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратларнинг хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналлари янги модуляторларининг хусусиятларини тавсифлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Дитерпеноид алкалоидларнинг қисқача фармакологияси» деб номланган биринчи бобида *Aconitum L.* (*Ranunculaceae*) ўсимлик турларидан ажратиб олинган дитерпеноид алкалоидларнинг кимёвий классификацияси, фармакологияси, шунингдек дитерпеноид алкалоидлар асосида кардиоваскуляр фармакологик препаратлар ишлаб чиқиш истиқболлари ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Қон томир девори силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллигининг регуляция механизмлари» деб номланган иккинчи бобида қон томир девори силлиқ мускул хужайраларининг тузилиши, функцияси, силлиқ мускул хужайраси плазмолеммасида жойлашган ион-транспорт тизимлари ( $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари,  $\text{Na}^+$ -каналлари,  $\text{K}^+$ -каналлари,  $\text{Cl}^-$ -каналлари, TRPV4-каналлари,  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашув тизими,  $\text{Na}^+/\text{K}^+$ -АТФаза,  $\text{Ca}^{2+}$ -АТФаза), саркоплазматик ретикулумда (СПР) жойлашган ион-транспорт тизимлари ( $\text{IP}_3$ -рецептори, рианодин рецептори,  $\text{Ca}^{2+}$ -АТФазаси), қон томир эндотелий хужайраларининг фермент ва ион-транспорт тизимларининг структураси, функцияси ва фармакологик регуляция механизмлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қон томир силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллигини қайд қилиш услублари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот шароити ва материаллари, ўрганилган дитерпеноид алкалоидлар, тажриба ҳайвонлари, аорта қон томир препаратини тайёрлаш ва изометрик шароитда қисқариш фаоллигини қайд қилиш услуби, ҳамда тажрибаларда фойдаланилган кимёвий реактивлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тажриба протоколлари (схемалари), жумладан  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли фаоллигини ўрганиш, SOCC/ROCC фаоллигини ўрганиш,  $\text{K}^+$ -каналлари фаоллигини ўрганиш, эндотелийга боғлиқ қисқариш фаоллигини ўрганиш, олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш услублари баён қилинган.

Диссертациянинг «Дитерпеноид алкалоидларнинг (атизин, дигидроатизин, гетератизин, 6-О-бензоилгетератизин) вазорелаксант таъсири» деб номланган тўртинчи бобида амалга оширилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг аорта силлиқ мускул препаратидида *KCl* таъсирида чақирилган қисқаришга таъсири. Тажрибаларда атизин (3-100 мкМ), дигидроатизин (5-150 мкМ), гетератизин (5-150 мкМ) ва 6-О-бензоилгетератизин (5-200 мкМ) дитерпеноид алкалоидлари каламуш аорта қон томирининг *KCl* (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган изометрик қисқариш фаоллигига (*in vitro*) сезиларли даражада вазорелаксант таъсир кўрсатиши аниқланди. Жумладан, атизин 3 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан  $17,4 \pm 4,3\%$  га камайтириши ва максимал 100 мкМ концентрацияда  $68,7 \pm 5,2\%$  га камайтириши аниқланди. Шунингдек, дигидроатизин 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан  $6,5 \pm 3,2\%$  га ва максимал 150 мкМ концентрацияда  $56,5 \pm 4,5\%$  га

камайтириши аниқланди. Гетератизин 5 мкМ концентрацияда аорта препарати қисқариш кучини назоратга нисбатан  $6,5 \pm 2,4\%$  га, максимал 150 мкМ концентрацияда эса  $73,9 \pm 6,4\%$  га камайтириши, шунингдек 6-О-бензоилгетеротизин 5 мкМ концентрацияда аорта препаратининг қисқариш кучини назоратга нисбатан  $6,5 \pm 2,4\%$  га, максимал 200 мкМ концентрацияда эса назоратга нисбатан  $73,8 \pm 4,6\%$  га камайтириши аниқланди ( $n=4-6$ ). Бунда атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин учун  $EC_{50}$  (қисқариш кучини максималга нисбатан 50% га камайтирувчи концентрацияси) қиймати мос равишда 32,6 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50})=4,494$ ; 54,7 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50})=4,262$ ; 36,9 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50})=4,433$  ва 50,47 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50})=4,297$  га тенглиги аниқланди (1. А, Б-расм).




1-расм. А) Атизин, дигидроатизин, Б) гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин алкалоидларининг каламуш аорта препаратиди KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига концентрацияга боғлиқ вазорелаксат таъсири. KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n=4-6$ ).

Қон томир силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллиги таъминланишида  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамик ўзгариши марказий аҳамиятга эга бўлиб (Ozaki et al., 1990; Бирулина, 2016), айрим вазорелаксат агентлар силлиқ мускул хужайраси плазмолеммасида жойлашган  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадаси орқали вазорелаксат таъсир кўрсатиши қайд қилинади (Cherkaoui–Tangi et al., 2016). Аорта силлиқ мускул препаратиди KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш  $[K^+]_{out}$  миқдори ортиши шароитида плазматик мембрана деполяризацияси орқали  $Ca^{2+}_L$ -каналлари активацияси билан боғлиқ ҳисобланади (Ozaki et al., 1990; Berridge, 2008;) ва шунингдек, айрим дитерпеноид алкалоидларнинг релаксат (*in vitro*) таъсирида  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадаси эҳтимоллиги мавжудлиги қайд қилинганлиги (Torres et al., 2000;

Martinsen et al., 2010) асосида, атизин, дигидроатицин, гетератицин ва 6-О-бензоилгетеротизин алкалоидларининг вазорелаксат таъсири  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадаси ва ўз навбатида,  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдори камайиши билан боғлиқлиги тахмин қилинди.


Ушбу тахминни текшириб кўриш учун, навбатдаги тажрибаларда таркибида  $[Ca^{2+}]_{out}=0,5-2,5$  мМ диапазондаги Кребс–Хензелейт физиологик эритмасидан фойдаланиб, атизин алкалоидининг (100 мкМ) вазорелаксат таъсири таҳлил қилинди. Маълумки,  $[Ca^{2+}]_{out}=2,5$  мМ шароитда қон томир силлиқ мускул препаратининг изометрик қисқариш кучи амплитудаси максимал қийматни ташкил қилади (Nishimura et al., 2002). Тажрибаларда Кребс-Хензелейт физиологик эритмаси таркибида  $[Ca^{2+}]_{out}=0,5-2,5$  мМ диапазондаги шароитда (Nishimura et al., 2002) атизин (100 мкМ), дигидроатицин (150 мкМ), гетератицин (150 мкМ) ва 6-О-бензоилгетеротизиннинг (200 мкМ) вазорелаксат таъсири  $[Ca^{2+}]_{out}$  миқдorigа бевосита боғлиқлиги аниқланди (2-расм, А ва Б).



2-расм. А) Атизин, дигидроатицин Б) гетератицин ва 6-О-бензоилгетеротизин алкалоидларининг аорта силлиқ мускул препаратидида КСI (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига  $[Ca^{2+}]_{out}$  концентрациясига боғлиқ релаксат таъсири. КСI (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (\* –  $p<0,05$ ; \*\* $p<0,01$ ;  $n=4-6$ ).

Шунингдек,  $Ca^{2+}_L$ -каналининг специфик блокатори верапамил ( $EC_{50}=0,01$  мкМ) ёрдамида амалга оширилган стандарт тажрибаларда (Cleary et al., 2004), атизин ( $EC_{50}=32,6$  мкМ), дигидроатицин ( $EC_{50}=54,7$  мкМ), гетератицин ( $EC_{50}=36,9$  мкМ) ва 6-О-бензоилгетеротизин ( $EC_{50}=50,47$  мкМ) аорта силлиқ мускул препаратининг қисқариш кучини қўшимча мос равишда


5,7±3,6%, 7,4±4,3%, 2,4±1,6% ва 12,3±4,2% гача сусайтириши аниқланди (3-расм).



**3-расм.** Атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизиннинг каламуш аорта препаратиди  $Ca^{2+}_L$ -канални блокатори верапамил ( $EC_{50}=0,01$  мкМ) инкубацияси шароитида КСI (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига вазорелаксант таъсири. КСI (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$ ;  $n=4-6$ ).


Атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксант таъсирида SOCC/ROCC нинг иштироки. Силлиқ мускулнинг қисқариш фаоллиги  $Ca^{2+}_L$ -канални, захирадан ишга тушувчи  $Ca^{2+}$ -канални (SOCC; store-operated  $Ca^{2+}$ -channels) ва рецепторга боғлиқ функция бажарувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари (ROCC; receptor-operated  $Ca^{2+}$ -channels), шунингдек СПР  $IP_3R$  активацияси билан боғлиқ ҳисобланади (Savineau and Martahn, 2000; Соловьев, 2013). Одатда, тажрибаларда (*in vitro*) кон томир силлиқ мускули препаратининг изометрик қисқаришига фармакологик агентларнинг таъсирида СПР  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари, SOCC/ROCC нинг эҳтимоллиги мавжуд иштирокини таҳлил қилишда индуктор сифатида  $\alpha_1$ -адренорецептор ( $\alpha_1$ -АР) агонисти фенилэфриндан (1 мкМ) фойдаланилади (Karakı, 2004). Фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида  $\alpha_1$ -АР активацияси G-оқили орқали фосфолипаза С (PLC) фаоллашиши, ўз навбатида фосфатидилинозитол 4,5-дифосфатдан инозитол 1,4,5-трифосфат ( $IP_3$ ) ва диацилглицерол (DAG) ҳосил бўлиши амалга ошади (Berrige, 1993). Бунда ҳосил бўлган  $IP_3$  СПР мембранасида инозитол 1,4,5-трифосфат рецепторини ( $IP_3R$ ) фаоллаштиради ва  $[Ca^{2+}]_{CP}$  цитозолга чиқиши қайд қилинади. DAG протеинкиназа С (PKC) активацияси орқали қисқариш механизмида иштирок этади (Berrige, 1993).

Навбатдаги тажрибаларда атизин (100 мкМ) ва дигидроатицин (150 мкМ) аорта силлик мускул препаратининг фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $21,6 \pm 5,8\%$  ва  $17,6 \pm 6,2\%$  га камайтириши аниқланди (4-расм).



4-расм. Атизин ва дигидроатицин дитерпеноид алкалоидларининг каламуш аорта қон томири силлик мускул препаратидида  $\alpha_1$ -адренорецептор агонисти фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига вазорелаксант таъсири. Фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 4-6$ ).

Навбатдаги тажрибаларда гетератизин (1-150 мкМ) ва 6-О-бензоилгетеротизин (10-250 мкМ) фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучига сезиларли даражада вазорелаксант таъсир кўрсатиши, бунда гетератизин (150 мкМ) ва 6-О-бензоилгетеротизин (250 мкМ) аорта силлик мускул препарати қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $68,5 \pm 6,3\%$  ва  $85,9 \pm 3,5\%$  га камайтириши аниқланди. Ушбу шароитда гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин учун  $EC_{50}$  қиймати мос равишда 33,1 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50}) = 4,48$  ва 33,4 мкМ ёки  $pD_2(-\log EC_{50}) = 4,76$  га тенглиги аниқланди (5-расм).




**5-расм. Гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизиналкалоидларининг каламуш аорта препаратида фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш фаоллигига концентрацияга боғлиқ вазорелаксанти таъсири.** Фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 4-6$ ).

Юқорида таъкидланганидек, қон томир силлиқ мускул препаратида  $\alpha_1$ -АР агонисти фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш жараёнида СПР  $IP_3$ -рецептори, ROCC/SOCC функция бажаради (Ozaki et al., 1990; Karaki et al., 1997; Berridge, 2008). Шунингдек, тадқиқотларда дигидроатизин, 6-О-бензоилгетератизин алкалоидлари кардиомиоцитларда СПР даражасида  $Ca^{2+}$ -транспорт динамикасига таъсир кўрсатиши орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдорини камайтириши аниқланган (Sagdullaev et al., 1998). Ушбу маълумотлар ва олинган тажриба натижалари таҳлили асосида, гетератизин (1-150 мкМ) ва 6-О-бензоилгетератизиннинг (10-250 мкМ) вазорелаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -канал билан биргаликда,  $IP_3$ -рецептори, ROCC/SOCC блокадаси билан боғлиқлиги тахмин қилинди (Bakieva et al., 2019). Шунингдек, атизин (3-100 мкМ) ва дигидроатизиннинг (5-150 мкМ) вазорелаксанти таъсири  $IP_3$ -рецептори, ROCC/SOCC функцияси модуляцияси билан боғлиқ эмаслиги қайд қилинди.

*Гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксанти таъсирида NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскадининг иштироки.* Маълумки, қон томир эндотелий қавати хужайраларининг ион-транспорт тизимлари дисфункцияси кардиоваскуляр тизим касалликлари патогенезида муҳим ўрин тутди (Vanhoutte, 1997; Brunner et al., 2005; Luna-Vazquez et al., 2017) ва айрим вазорелаксанти агентлар таъсирида айнан, қон томир эндотелий хужайраларида эндотелиал азот оксид синтаза (eNOS) активацияси орқали NO генерацияси ва ўз навбатида, гуанилатциклаза (ГЦ) фаоллашиши ва  $[цГМФ]_{in}$  миқдори ортиши, PKG реакциялар каскади активацияси вазорелаксация жараёнини индукциялаши қайд қилинади (Drewett and Garbers, 1994; Andreopoulos and Papapetropoulos, 2000; Северина, 2002; Cherkaoui-Tangi et al., 2016). Шунингдек, айрим дитерпеноид алкалоидларнинг силлиқ мускул препаратида релаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -канал блокадаси ва NO/[цГМФ]<sub>in</sub> реакциялар каскади активацияси билан боғлиқлиги тахмин қилинган (Mitamura et al., 2002; Martinsen et al., 2010). Шу сабабли, навбатдаги тадқиқотларда гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксанти таъсирида NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскади активациясининг эҳтимоллиги мавжуд иштироки ўрганилди. Тажрибаларда эндотелий қавати олиб ташланган ва шунингдек, инкубация муҳитида NO-синтаза блокатори L-NAME (100 мкМ) ва циклооксигеназа ингибитори индометацин (10 мкМ) мавжуд шароитда гетератизиннинг (5-200 мкМ) вазорелаксанти таъсири сезиларли даражада ўзгармаслиги, бироқ 6-О-бензоилгетератизиннинг (10-250 мкМ) таъсири камайиши аниқланди. 6-О-бензоилгетератизиннинг (250 мкМ) вазорелаксанти таъсири эндотелий қавати олиб ташланган ҳолатда

85,9±3,5% дан 44,6±3,6% гача камайиши, шунингдек, eNOS блокатори L-NAME (100 мкМ) ва циклооксигеназа ингибитори индометацин (10 мкМ) инкубацияси шароитида 85,9±3,5% дан 35,2±4,2% гача камайиши аниқланди (6-расм ва 1-жадвал).



**6-расм. 6-О-бензоилгетератизин алкалоидининг каламуш аорта силлик мускул препарати қисқариш кучига эндотелийга боғлиқ вазорелаксант таъсири.** Фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% (+Э - эндотелий қавати мавжуд; назорат) сифатида қабул қилинган. -Э – Эндотелий қавати олиб ташланган ҳолатни ифодалайди (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,01$ ;  $n=4-6$ ).

1-жадвал

**6-О-бензоилгетератизиннинг eNO-синтаза блокатори L-NAME (100 мкМ) ва циклооксигеназа ингибитори индометацин (10 мкМ) инкубацияси шароитида вазорелаксант таъсири ( $M \pm m$ )**


	Тажриба гуруҳи	Концентрация (мкМ)				
		10	50	100	200	250
6-О-Бензоил гетератизин	Эндотелий қавати мавжуд (назорат)	73,6±6,3	26,4±5,5	18,7±3,7	14,3±4,6	14,1±3,5
	L-NAME (100 мкМ)+ Индометацин (10 мкМ)	88,5±7,3	70,2±7,6*	67,3±4,7*	65,9±3,8**	64,8±4,2**

**Изоҳ:** Фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% (назорат) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$  ва \*\* –  $p < 0,01$ ;  $n=4-6$ ).

Олинган натижалар ва адабиёт маълумотлари таҳлили 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксант таъсири  $NO/\Gamma\Gamma/[Ca^{2+}]_{in}/PKG$  реакциялар каскади активацияси билан боғлиқлигини кўрсатади.  $NO/[Ca^{2+}]_{in}$  реакциялар каскади активацияси  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадаси шароитида кузатиловчи вазорелаксация эффеќтини кучайтириши қайд қилинади (Salomone et al., 1995; Salomone et al., 1996). Айрим фармакологик

агентларнинг аорта препаратида вазорелаксат таъсири  $\text{NO}/[\text{цГМФ}]_{in}/\text{PKG}$  реакциялар каскади орқали  $\text{K}^+$ -каналлари активацияси билан боғлиқлиги тахмин қилинади (Lozano–Cuenca et al., 2017).  $\text{K}^+$ -каналлари  $\text{NO}/\text{ГЦ}/[\text{цГМФ}]_{in}/\text{PKG}$  реакциялар каскади активацияси орқали регуляция қилиниши мумкинлиги таъкидланган (Eichhorn and Dobrev, 2007). Шунингдек, тадқиқотларда дитерпеноид алкалоидларнинг вазорелаксат таъсири қон томир силлиқ мускул хужайраларида  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари блокадаси,  $\text{K}^+$ -каналлари активацияси,  $\text{NO}/\text{цГМФ}$  реакциялар каскади активацияси орқали амалга ошиши аниқланган (Wada, 2002; Ogura et al., 2004; Tirapelli et al., 2010; Luna–Vazquez et al., 2013). Шу сабабли, навбатдаги тадқиқотларда 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксат таъсирида  $\text{K}^+$ -каналларининг эҳтимоллиги мавжуд иштироки ўрганилди.

6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидининг вазорелаксат таъсирида  $\text{K}^+$ -каналларининг иштироки. Тажрибаларда 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксат таъсири эгри чизиғи инкубация муҳитида потенциалга боғлиқ фаоллашувчи  $\text{K}^+$ -каналлари ( $\text{K}_V$ -каналлари) блокатори 4-аминопиридин (4-АП; 1 мМ) ва  $\text{K}_{ATP}$ -каналлари блокатори глибенкламид (10 мкМ) мавжуд шароитда сезиларли даражада ўннга силжиши аниқланди (7-расм, А). Бунда 6-О-бензоилгетератизин алкалоидининг вазорелаксат таъсири эгри чизиғи  $\text{VK}_{Ca}$ -каналлари носпецифик блокатори тетраэтиламмоний (ТЭА; 10 мМ),  $\text{K}_{IR}$ -каналлари носпецифик блокатори  $\text{BaCl}_2$  (1 мМ) инкубацияси шароитида эса сезиларли даражада ўзгармаслиги аниқланди (7-расм, Б).




7–расм. А) 6-О-бензоилгетератизиннинг  $\text{K}_V$ -каналлари блокатори 4-АП (1 мМ) ва  $\text{K}_{ATP}$ -каналлари блокатори глибенкламид (10 мкМ) инкубацияси шароитида каламуш аорта препарати қисқариш кучига вазорелаксат таъсири. Б) 6-О-бензоилгетератизиннинг  $\text{VK}_{Ca}$ -каналлари носпецифик блокатори ТЭА (10 мМ),  $\text{K}_{IR}$ -каналлари носпецифик блокатори  $\text{BaCl}_2$  (1 мМ) инкубацияси шароитида

**вазорелаксант таъсири.** Фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% (назорат) сифатида қабул қилинган (\* –  $p < 0,05$  ва \*\* –  $p < 0,01$ ;  $n=4-6$ ).

Меъёрий физиологик ва патологик шароитларда қон томир функционал фаоллиги таъминланишида  $K^+$ -каналлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўпгина вазорелаксант агентлар айнан,  $K^+$ -каналлари активацияси орқали таъсир кўрсатиши қайд қилинган (Calderone et al., 2004; Dong et al., 2004; Cogolludo et al., 2007). Ҳозирги вақтда таъсир механизми батафсил ўрганилган биологик фаол моддаларнинг вазорелаксант таъсирида  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси,  $NO/[Ca^{2+}]_i/PKG$  реакциялар каскади ва кейинги ўринда  $K^+$ -каналлари активацияси муҳим ўрин тутди (Luna–Vazquez et al., 2013). Қон томир силлиқ мускулларида  $K^+$ -каналлари активацияси плазматик мембрана гиперполяризацияси ва  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси орқали вазорелаксант таъсир эффекига эга ҳисобланади (Ko et al., 2008; Al-Habib et al., 2013). Айрим тадқиқотларда дитерпен қаторига кирувчи моддаларнинг релаксант таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси билан биргаликда,  $K^+$ -каналлари активацияси билан боғлиқлиги қайд қилинган (Santos et al., 2012; Rieg et al., 2013; Martins et al., 2013). Жумладан, *Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиб олинган дитерпеноид алкалоидларнинг фармакологик таъсирида  $K^+$ -каналлари фаоллиги модуляцияси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинган (Wang et al., 1996; Song et al., 2006; Li et al., 2010; Vakhitova et al., 2013; Kiss et al., 2017). Тадқиқотларда айрим дитерпеноид алкалоидларнинг кимёвий структурасига боғлиқ ҳолатда GIRK ва hERG типдаги  $K^+$ -каналлари фаоллигига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши аниқланган (Kiss et al., 2017). Шунингдек, ГЦ активацияси орқали  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорини ошириши ва  $[Ca^{2+}]_i$  таъсирида PKG активацияси ва фосфорланиши орқали  $K_{ATP}$ -каналлари активацияси вазорелаксацияга олиб келиши қайд қилинган (Davie et al., 1998; Minamiyama et al., 2007). Плазмолеммада жойлашган  $K^+$ -каналлари ( $BK_{Ca}$ -канал ва  $K_V$ -канал) активациясида PKG орқали релаксация муҳим ўрин тутиши аниқланган (Zhao et al., 1997; Tanaka et al., 2006; Cairrao et al., 2010). Амалга оширилган тажрибаларда олинган натижалар ва адабиётлар таҳлили асосида, 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксант таъсири  $NO/GC/[Ca^{2+}]_i/PKG$  реакциялар каскади билан комплекс ҳолатда  $K^+$ -каналлари ( $K_V$ -каналлари ва  $K_{ATP}$ -каналлари) активацияси билан боғлиқлиги тахмин қилинди.

*Aconitum* L. ўсимлик турларидан ажратиб олинган атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидлари кимёвий структураси ва фойдаланилган концентрациясига боғлиқ вазорелаксант таъсирга эга бўлиб, атизин ва дигидроатизиннинг вазорелаксант таъсири асосан  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, SOCC/ROCC блокадаси билан биргаликда, қисман  $Na^+$ -каналлари блокадаси билан боғлиқлиги аниқланди. Гетератизиннинг вазорелаксант таъсири асосан  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, SOCC/ROCC блокадаси билан боғлиқлиги, С(6)-позицияда бензоил гуруҳи жойлашганлиги билан гетаратизиндан фарқланувчи 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксант таъсири эса  $Ca^{2+}_L$ -каналлари ва SOCC/ROCC блокадаси билан

биргаликда, NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскади ва комплекс ҳолатда K<sup>+</sup>-каналлари (K<sub>V</sub>-каналли ва K<sub>ATP</sub>-каналли) модуляцияси билан боғлиқлиги тахмин қилинди. Ўрганилган атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин дитерпеноид алкалоидларнинг вазорелаксанти таъсирининг тахминий гипотеза механизми қуйидаги 8-расмда келтирилган.



**8-расм.** Ўрганилган дитерпеноид алкалоидларнинг (атизин, дигидроатизин, гетератизин ва 6-О-бензоилгетератизин) тахминий вазорелаксанти таъсир механизми. Бу ерда СПР - саркоплазматик ретикулум; [Ca<sup>2+</sup>]<sub>in</sub> - цитозолдаги Ca<sup>2+</sup> концентрацияси; SERCA - CP Ca<sup>2+</sup>-АТФазаси; eNOS - эндотелиал NO-синтаза; NO - азот оксиди; ГЦ - гуанилатциклаза; цГМФ - циклик гуанозин монофосфат; CaMK - Ca<sup>2+</sup> ионлари таъсирида фаоллашувчи кальмодулин киназа ферменти; MLC - миозин енгил занжири; PLC - фосфолипаза C; DAG - диацилглицерол; IP<sub>3</sub> - инозитол 1,4,5-фосфат; VOCC - потенциалга боғлиқ Ca<sup>2+</sup><sub>L</sub>-каналлари; SOCC - захирадан ишга тушувчи Ca<sup>2+</sup>-каналлари; MLCK - MLC киназа; GPCR - G протеинга боғлиқ рецептор; IP<sub>3</sub>R - инозитол 1,4,5-фосфат рецептори; PIP<sub>2</sub> - фосфадитилинозитол 4,5-бифосфат; K<sub>ATP</sub>-канал АТФ га боғлиқ фаоллашувчи K<sup>+</sup>-каналли; K<sub>V</sub>-канал - потенциалга боғлиқ фаоллашувчи K<sup>+</sup>-каналлини ифодалайди.

Ушбу тадқиқот ишида олинган илмий, экспериментал натижалар дитерпеноид алкалоидлар асосида вазорелаксанти фармакологик препаратлар ишлаб чиқиш учун назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин. «Айрим дитерпеноид алкалоидларнинг (атизин, дигидроатизин, гетератизин, 6-О-бензоилгетератизин) вазорелаксанти таъсирини тавсифлаш» мавзусидаги

фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тавсия этилди:

## ХУЛОСАЛАР

1. Атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидлари яққол ифодаланган вазорелаксант фаолликка эга бўлиб, бу таъсир уларнинг кимёвий структураси ва фойдаланилган концентрациясига боғлиқ ҳисобланади.

2. Атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг вазорелаксант таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, шунингдек SOCC/ROCC блокадаси билан боғлиқлиги очиқ берилди.

3. Атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларининг токсик таъсир даражаси нисбатан паст бўлиб, келгусида кардиоваскуляр паталогиялар терапияси-профилактикасида фойдаланувчи фармакологик препаратлар ишлаб чиқиш учун потенциал агентлар ҳисобланишини кўрсатади.

4. Кимёвий структурасида C(6)-позицияда бензоил гуруҳи жойлашганлиги фарқланувчи 6-О-бензоилгетератизиннинг вазорелаксант таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари, SOCC/ROCC блокадаси билан биргаликда, NO/ГЦ/[цГМФ]<sub>in</sub>/PKG реакциялар каскади билан комплекс ҳолатда  $K^+$ -каналлари ( $K_V$ -канал,  $K_{ATP}$ -канал) активацияси билан боғлиқлиги изоҳланади.

5. Атизин, гетератизин, дигидроатизин, 6-О-бензоилгетеротизин дитерпеноид алкалоидларнинг вазорелаксант таъсир механизмлари, шунингдек уларнинг структураси ва фаоллиги ўртасидаги қонуниятлар таҳлили асосида, 6-О-бензоилгетеротизин алкалоиди гипертония касаллигини даволаш ва олдини олиш учун янги самарали дори препаратларини яратишда нисбатан истиқболли номзод сифатида тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.09.2018.В.76.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**БАКИЕВА МУАЗЗАМ ШАРИФЖОНОВНА**

**ХАРАКТЕРИСТИКА ВАЗОРЕЛАКСАНТНОЕ ДЕЙСТВИЕ  
НЕКОТОРЫХ ДЕТЕРПЕНОИДНЫХ АЛКАЛОИДОВ (АТИЗИНА,  
ДИГИДРОАТИЗИНА, ГЕТЕРАТИЗИНА, 6-О-  
БЕНЗОИЛГЕТЕРАТИЗИНА)**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/В276.**

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (info@namdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Зайнабидинов Анвар Эркинжанович**  
доктор биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Саидбаева Лола Мухамедовна**  
доктор биологических наук, профессор

**Гайилов Улугбек Гаппаржанович**  
доктор философии (PhD) по биологическим наукам

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.В.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано под № \_\_\_\_). Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан: «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_» от \_\_\_\_\_ 2019).

**А.Э.Зайнабидинов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.

**Х.Э.Эргашева**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии по  
биологическим наукам.

**А.Р.Батшов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире наблюдается широкое распространение заболеваний сердечно-сосудистой системы, которая является актуальной медико-социальной, экономической проблемой. Среди этих заболеваний высокий уровень составляет артериальная гипертония и используется в терапевтических целях с более чем 200 фармакологическими препаратами. Однако 3/2 из этих препаратов имеют побочные эффекты. В свою очередь, создание импортозамещающих фармакологических препаратов на основе растительного сырья, обладающих низким токсическим действием по сравнению с синтетическими аналогами, является требованием времени. Особенно, создание эффективных фармакологических препаратов на основе биологически активных веществ, выделенных из местных растений, имеет большое значение.

В мире на сегодняшний день большое внимание уделяется изучению лекарственных препаратов, содержащих природные соединения, для профилактики и лечения сердечно-сосудистых заболеваний в мире. Одним из биологически активных веществ, проявляющих сильные кардиопротекторные свойства, являются дитерпеноидные алкалоиды, которые в настоящее время известны более 400 видами. Одним из основных потенциальных источников этих алкалоидов является вид растений *Aconitum L.*. Выделенные дитерпеноидные алкалоиды из данного растения являются многообещающим источником для лечения сердечно-сосудистых заболеваний и источником лекарств. Однако лишь немногие из них обладают кардиотропным, спазмолитическим и гипотензивным эффектами и проявляют вазорелаксантную активность. Одной из актуальных проблем является продолжение научных исследований в этой области, разработка и внедрение комплекса эффективных лечебных мероприятий в практику сердечно-сосудистой терапии.

В нашей республике проводятся значительные реформы в лечении сердечно-сосудистых заболеваний, включая производство многих дитерпеноидных алкалоидов из местных растений и на основе которых были разработаны такие препараты, как «Аллапинин», «Цитизин» и «Галантамин». Стратегия 4 по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи для дальнейшего развития фармацевтической промышленности, улучшения доступа к недорогим, качественным лекарствам для населения и медицинских учреждений<sup>2</sup>. Основываясь на этих функциях, важно охарактеризовать вазорелаксантное действие дитерпеноидных алкалоидов на атизин, дигидроатицин, гетератицин и 6-О-бензоилгетеротицин, выделенные из видов растений *Aconitum L.*

---

<sup>2</sup> Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №-УП-4947 « Стратегия действий Республики Узбекистан »

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указа Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 года № УП-4947 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» а также изложенных в других правовых документах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследованиям приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В мире такими учеными как Benn M.H. и Jacyno J.M. (1983), Chen D. (1984), Martinsen A. et al. (2010), Oliveira A.P. et al. (2006), Ribeiro L.A. et al. (2007), Kour G.D. et al. (2016) были выделены дитерпеноидные алкалоиды из растений *Aconitum* L. (*Ranunculaceae*), установлены их структуры и изучены фармакологические свойства. В странах СНГ Nesterova Yu.V. et al. (2010), Terenteva E.O. et al. (2011), Юнусов М.С. (2014) проводили исследования в этой области.

